# ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

اوزبیکستان ادبیاتی وصنعتی

1991

ҲАФТАЛИК 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

2 АВГУСТ, № 31 (3135) ЖУМА


## ЖАҲОНИЙ ЎЗГАРИШЛАР

Ер шари қудратли давлатлар учун бундан буён ҳарбий синов майдони бўлиб хизмат қилмаслиги керак. АҚШ ва СССР Президентларининг Москвада бўлиб ўтаётган олий даражадаги учрашувидан кутилган мақсадни қисқача ана шундай таърифлаш мумкин.

Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Бушнинг мамлакатимизга 30 июлда қилган расмий ташрифи жараёнида турли соҳаларда Совет-Америка муносабатларининг истиқболдаги тараққиётини белгилаб берувчи 5 муҳим ҳужжатга имзо чекилди.

Олий даражадаги Совет-Америка муносабатлари 31 июль куни Москва яқинидаги Ново-Огарево резиденциясида давом эттирилди. Куннинг иккинчи ярмида эса Катта Кремль саройининг Владимир залида учрашувдан кўзда тутилган энг муҳим воқеа содир бўлди. Жорж Буш ва Михаил Горбачев стратегик қуроллар тўғрисидаги Шартномага имзо чекдилар. Бу ғоят муҳим ҳужжат тарихда биринчи марта қуролланиш пойгасига чек қўйишни назарда тутибгина қолмай, томонларда шу пайтгача мавжуд бўлган ялпи қирғин қуролларини қисқартиришнинг аниқ тадбирларини ҳам ўз ичига олади.

Образли қилиб айтганда, «Совуқ урушлар» соатининг мили юришдан тўхтади!



Тарихий лаҳза: Ж. Буш ва М. Горбачев эритиб йўқ қилиб юборилган «СС-20» ва «Першинг» ракеталари қуймасидан махсус тайёрланган ручкаларда Шартномага имзо чекмоқдалар.

Э. ЖИГАЙЛОВ («Правда») олган сурат

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РАЁСАТИДА

27 июль куни «Комсомольская правда» рўзномасида Ўзбекистон ССР халқ депутати Эркин Воҳидовнинг хизмат автомашинаси ўққа тутилганлиги ҳақида хабар босиб чиқарилганлиги муносабати билан Олий Кенгаш Раёсати ўзининг 29 июлдаги мажлисида ушбу хабарнинг қай даражада тўғри эканлигини текшириш материалларини ҳамда махсус ўтказилган экспертиза хулосасини кўриб чиқди.

«Комсомольская правда» рўзномасининг 27 июль шанба сонида «Қаттиққўл — қайта қуриш омили» суҳбатидан сўнг (айтганча, бу суҳбатда Ўзбекистон ССР қонуний сайланган халқ депутатларининггина эмас, айни вақтда «шундай вакилларни танлаган» ва «жумҳуриятнинг шундай парламентини» сайлаган халқнинг ор-номуси ва қадр-қимматини камситишга йўл қўйилган») Қ. Бобожоновнинг қатъият билан ёзилган ахборотида айтилишича, гўёки, 23 июль куни Тошкент шаҳрида халқ шоири, Ўзбекистон ССР халқ депутати Эркин Воҳидовнинг машинаси мерганлик милтиғидан ўққа тутилган эмиш.

Тегишли мўътабар идоралар синчковлик билан ўтказган текшириш бу уйдирманинг мутлақо асоссиз эканини кўрсатди, унда сиёсий мақсад ва эҳтимолки, мазкур суҳбатни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган мақсад кўзланганки шундоққина кўриниб турибди. Мутахассисларнинг хулосасига қараганда, автомобиль томидаги эзилган жой ва уч бурчак шаклидаги битта тешик ўт очувчи қурол қўлланганлигининг натижаси эмаслигини, балки атиги бир неча миллиметр ичкарига ўйиб кирган ва ҳатто кабинанинг ички қопламасига ҳам зарар етказмаган қандайдир нарсанинг таъсири натижасида рўй берганлигини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, кабина ичидаги қоплама билан автомобиль томи орасида бошқа ҳеч қандай ўзга нарсалар топилмади.

Шундай қилиб, Эркин Воҳидов тушган автомашинага ҳеч қандай ўқ отилмагани расман аниқланди. Уйдирма муаллифи ҳам ўзи ўйлаб чиқарган экспертиза ва «мерганлик милтиғи тўғрисида» ҳеч қандай маълумотни келтирмаган эди.

Раёсат мажлисида сўзга чиққан П. Қодиров, П. Қ. Ҳабибуллаев, Э. Т. Шайхов, Ш. Мирзаев ва бошқалар мана шу ёлғон хабар учун Эркин Воҳидовнинг номзоди танлаб олингани тасодифий эмаслигини алоҳида таъкидладилар. Мана шу сиёсий иғвогарлик ташкилотчилари шоирнинг машҳурлигидан фойдаланиб, республикадаги вазиятни барқарорлаштириш ва унинг мустақил давлат сифатида қарор топиши жараёнига яна бир бор зарба беришга уриндилар.

Машҳур шоирни республика раҳбариятига қарама-қарши қўйиш мана шундай бузғунчилик сиёсатининг бўғинларидан бири эканини нотиқлар таъкидлаб ўтишди. Шу сабабли раёсат аъзолари Ўзбекистон ССР ва унинг раҳбарияти шаънига қилинаётган бундай иғвогарликларга чек қўйилишини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг эса, Ўзбекистон ССРнинг оммавий-ахборот воситалари тўғрисидаги амалда бўлган қонунчилигига оғишмай риоя этилишини таъминлашини талаб қилдилар.

Раёсатнинг сўзга чиққан барча аъзолари бундай иғвогарликларнинг аниқ ташкилотчиларини топиш, уларни ишлаб турган жойидан ва лавозимидан қатъи назар, жавобгарликка тортиш зарур, деган таклифни айтдилар. Улар бу таклифни ўз сайловчиларининг талаблари билан асосладилар.

Мажлисда сўзга чиққан Э. Воҳидов бу ёлғон хабар кўпдан-кўп дўстларимнинггина эмас, оила аъзоларимнинг ҳам тинчлигини бузди, деди. Уйдирма муаллифи бўлмиш Қ. Бобожоновни мутлақо танимаслигини, у билан учрашмаганлигини, суҳбат қилмаганлигини, ўзига суиқасд қилиш эҳтимолини мутлақо истисно этишини ва шу сабабли тегишли идораларга мурожаат қилмаганини айтди.

Раёсат мазкур масала борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ахборотини тинглаб, текшириш натижаларини кўриб чиқиб, Эркин Воҳидовнинг ёлғон хабар муаллифи билан ҳеч қандай суҳбат қилганим йўқ, деган гапини, ўзим менга суиқасд қилингани эҳтимолини истисно этаман ва бу масала юзасидан тегишли идораларга мурожаат қилмаганман, деган гапини эътиборга олди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатларига мамлакатдаги ва республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни эътиборга олиб, турли-туман иғвогарларга қарши кўпроқ сергаклик ва сабр-матонат кўрсатиш, ўзларининг халқ вакили деган юксак номидан айрим шахсларнинг мустақил республика кўп миллатли аҳолисининг манфаатлари ва эҳтиёжларига мутлақо алоқаси бўлмаган хунук мақсадларда фойдаланишларига йўл қўймаслик тавсия этилди.

Раёсат Қ. Бобожоновнинг 23 июль куни Тошкент шаҳрида халқ депутати Эркин Воҳидовнинг хизмат автомашинаси ўққа тутилгани ҳақида «Комсомольская правда» рўзномасида эълон қилинган хабарни Иттифоқ ўқувчисини қўпол равишда чалғитиш деб, шунингдек, республикадаги вазиятни беқарорлаштириш учун муайян жамоатчилик фикрини шакллантиришга уриниш, деб ҳисоблади.

Жумҳуриятимизда яшаётган баъзи мухбирлар ва мақолалар муаллифларининг ножўя ишлар қилишаётгани таъкидланди. Улар иштирокида баъзи марказий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон ССР тўғрисида нотўғри ва нохолис материаллар пайдо бўлди. Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигига бундай мухбирлар ва муаллифларнинг хатти-ҳаракатлари Ўзбекистон ССРнинг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунига қай даражада мос келишини ва мавжуд қонун бузилганлик фактлари аниқланган тақдирда материалларни тергов органларига бериш топширилди.

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети гўёки Ўзбекистон ССР халқ депутатига суиқасд қилинганлиги факти юзасидан жиноий иш қўзғатгани ва тергов олиб борилаётгани тўғрисидаги хабар маълумот учун қабул қилинди. Тергов якунлари юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига ахборот бериш республика Давлат хавфсизлиги комитетига топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ошкоралик ва депутатлик ахлоқ-одоби комиссиясига ҳамда Олий Кенгаш Котибиятининг ҳуқуқ бўлимига қабул қилинган қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вазифаси юклатилди.

### КЕЛГУСИ СОНДА:

- Кимнинг омади чопди?
- Узоқдан келаётган иғво
- Чўлпоннинг машҳур шеъри
- Муҳаммад алайҳиссаломнинг суврати ва сийрати
- Муҳиддин Дарвеш нега кулмайди?

*Йўлдош СУЛАЙМОН:*

## НАВОИЙ АВЛОДЛАРИМИЗ

Фарғона водийсида навоийхонликларда асосий эътибор шоир меросини кенг тадқиқ этишга ва тўй муносабати билан ёш ижодкорларга ғамхўрликни кучайтиришга қаратилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси Фарғона вилоят бўлимининг масъул котиби, шоир Йўлдош Сулаймон мухбиримизга амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлаб берди:

— Навоийни билмоқ, ўқимоқ, ўрганмоқ халқимизнинг бой маънавий дунёсини танимоқ, унинг бахтли келажаги учун курашмоқ, қолаверса, ёш истеъдодларни камол топтирмоқ демакдир. Шунинг учун тўй йилида эътиборни ёш талантлар тарбиясига қаратдик. Йил бошида вилоятнинг барча туманларида «Биз Навоий авлодларимиз» деб номланган ёш қаламкашларнинг семинар-кўригини ўтказдик. Апрель ойида эса вилоят марказида 200 дан зиёд кўрик ғолиблари иштирокида семинар-кўрикнинг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Унда 120 ёш ижодкорнинг қўлёзма тўпламлари кўриб чиқилди. Ёзувчи Х. Тўхтабоев бошчилигидаги «Ёш куч» ойномаси жамоаси вакилларидан иборат ҳайъат аъзолари 10 қўлёзма тўплам муаллифларини ғолиб деб топдилар. Вилоят партия қўмитаси, бўлимимиз ва Фарғона давлат дорулфунуни биргаликда ғолиблар орасидаги энг талантли ёшларни дорулфунунга синов имтиҳонларисиз қабул қилишни келишиб олгандик. Шу шартга кўра ёш ижодкорлар орасида А. Олимжонов, О. Тўрақулова, У. Топилдиева аллақачон талабалар сафидан ўрин олишди.

Фарғоналик ёш ижодкорлар шоир меросининг тадқиқига ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Улар кучи билан «Навоий ва қирқ ҳадис», «Ҳикматлар хазинаси», «Водий чечаклари» сингари китоблар нашр этилмоқда. Бўлимимиз қошида ташкил этилган «Абдулла Қодирий» ва «Чўлпон» номидаги адабий тўгаракларда навоийхонлик машғулотлари олиб борилмоқда. Унда адабиётшунос олимлардан А. Матғозиев, М. Матғозиев, А. Раҳимов шоир ижодий мероси ҳақида қизиқарли суҳбатлар ўтказмоқдалар. Адабиётшунос Аҳмаджон Мадаминовнинг «Алишер Навоий ва унинг водий адабий муҳитига таъсири» ҳақида матбуотда кўплаб мақолалари эълон қилинди.

Булардан ташқари, ижодкорлар ташаббуси билан Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарларида, Ёзёвон чўлида навоийхонликлар ўтказилди. Бу тантаналарда Пиримқул Қодиров, Абдулла Орипов, Норбой Худойберганов, Худойберди Тўхтабоев каби ижодкорлар қатнашдилар. Навоийхонлик оқшомлари Қува, Риштон туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Фарғона давлат дорулфунуни олдида улкан тўй муносабати билан Алишер Навоийнинг ҳайкали қад ростлади.

Сунбула ойидан бошлаб шоир тўйига тайёргарликнинг иккинчи босқичи бошланади. Бунда ҳам бир қанча тадбирларни ўтказишни мўлжаллаяпмиз. 19—21 август кунлари ижодкорларнинг Наймансойдан бошланиб Норин дарёсигача давом этадиган юришлари «Фарҳодлар ҳузурида» деб номланади. «Китобхон» жамияти бошчилигида ўтадиган бу тадбирда ўнлаб учрашувлар, мушоиралар, навоийхонликлар ўтказиш мўлжалланмоқда. Худди шундай режалар август ойининг охирги якшанбаси ва сентябрь ойининг биринчи якшанбасида ўтадиган Хазиний ва Ҳувайдо кунларида ҳам белгиланган.



Абдулхақ Абдуллаев. Навоий портрети

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН: ҲАМКОРЛИК КУНДАЛИГИ

## ҲИНДЧА СЎЗЛАЙДИГАН БОЛАЛАР

Ҳиндистон ёшлигимиздан қалбларимизга фильмларида тасвирланган гулларга бурканган гўзал манзаралари билан, бетакрор рақслари ва ашулалари билан муҳрланиб қолган. Улғайганимиз сари биз ҳинд ўлкасидаги ҳақиқий ҳаёт кинолардаги тасвирлардан иборат эмаслигини англай бошлаймиз, англаймиз-у лекин бу юртга нисбатан болалик туйғуларимиз — мафтункорликдан ҳам воз кечолмаймиз. Айни пайтда, улғайиш баробарида биз Ҳиндистоннинг инсоният тараққиётининг, дунё маданиятининг бешикларидан бири бўлган энг қадимий ўлка эканлигидан ҳам хабар топамизки, бу ўша мафтункорлигимизни чинакам муҳаббатга айлантиради. Шунинг учун ҳам бу юртни кўришга, одамлари, табиати, маданияти, тарихи билан танишишга доимо дилдан интилиб турамиз...

Пойтахтимиздаги 24-мактабга йўл олар эканман, хаёлимдан ана шу фикрлар ўтди. Негаки, ҳинд тилини чуқур ўрганишга ихтисослашган ва ҳинд диёридаги мактаблар билан ўзаро ҳамкорликлар ўрнатаётган бу ўқув масканида ўзимни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб топарман деган умидда эдим. Мактаб жамоаси айни кунларда таътилда бўлишига қарамай, бу ер гавжум экан: ўқитувчилар, курувчилар, китоб тарқатувчилар. Бошланғич синфлар бўйича илмий бўлим мудири Маҳбуба Халилова илм маскани ҳаёти, Ҳиндистондаги мактаблар билан ҳамкорликлар, алоқалар ҳақида гапириб берди.

...Мактаб — пойтахтдаги энг кекса билим масканларидан бири. Унинг ҳозирги биноси 1949 йилда қурилган. 1966 йилда Ҳиндистон премьер-министри Лал Баҳодир Шастрининг Тошкентда бўлиши муносабати билан ўқув даргоҳига унинг номи берилди ва шу йилдан бошлаб бу ерда ҳинд тили етакчи фан сифатида ўқитила бошлади. Мактаб урушдан кейинги даврдаги шароит ҳисобга олиниб, 900—1000 ўқувчига мўлжаллаб қурилган. Эндиликда эса унда 1800 га яқин ўқувчи, афсуски, навбатма-навбат сабоқ олишади. Бу мактаб фанимиз ва маданиятимиз учун Малик Қаюмов, Рихси Иброҳимова, Хайрулла Лутфуллаев, Суннатилла Аҳмедов каби ажойиб инсонларни тарбиялаб етказиб берган. Ёшларга таълим-тарбия беришдаги хизматлари учун ўқув даргоҳи ССЖИ Олий Кенгашининг 1966 йил 30 сентябрь қарорига мувофиқ Меҳнат Қизил байроқ ордени билан тақдирланган...

Мактаб ҳаётида бундай тарихий фактлар кўп, лекин мени кўпроқ қизиқтиргани ҳинд тилини ўқитиш жараёни бўлди. Ҳинд тили бу ерда худди ўзбек тили, ҳатто ундан ҳам кўпроқ, иккинчи синфдан ўн биринчи синфгача ўқитилар экан. Ўқитилганда ҳам чуқур, мукаммал тарзда. Агар бир синфда ўқувчилар сони 30 дан ошса, улар икки гуруҳга бўлиниб таълим бериларкан. Мактабда бу йилдан бошлаб ҳинд тили билан бирга урду тилини ўқитиш ҳам режалаштирилган. Шунингдек, бу ерда ҳамма фанларни 8-синфдан кейин ҳинд тилида ўқитиш мўлжалланган. Лекин ҳинд тилидаги дарсликлар, бошқа фанлар бўйича ўқитувчилар етишмаслиги туфайли ҳозирча бу иш амалга ошмаётган экан. Бу ерда ўқитиш ишларида Шарқшунослик олий билимгоҳининг ҳинд тили факультети ўқитувчилари ҳам яқиндан ёрдам беришади.

Тошкентда ҳинд тили ўқитиладиган бундан бошқа иккита мактаб бор. Бу 92- ва 144-мактаблардир. Фанларни ўзлаштириш бўйича бу мактаблар ўқувчилари ўртасида ўзаро мусобақалар, семинарлар, конференциялар ўтказиб турилади.

Мактабга яқинлашишингиз билан бу ерда ҳинд диёри билан боғлиқ ишлар кўп эканлигини яққол сезасиз. Илм даргоҳи ҳовлисида Лал Баҳодир Шастрининг салобатли

Давоми еттинчи бетда



24-мактаб ўқувчилари ҳаётдан лавҳалар



Р. АЛЬБЕКОВ суратга олган

## ИХТИЁР МЕНДА БЎЛСА...

Қалбида ҳасад, ичи қоралик хислати бор одамнинг қўлидан қаламни олиб қўярдим. Унга ҳатто чўпон таёғини ҳам ушлатмасдим. Сабаби: ундайлар қўй семирса, нега семирдинг? — деб уриб ўлдиради.

**Сафар УМРЗОҚОВ**
**Нурота**

●

Чинакам демократия бўлмас экан, ижтимоий тузум социализмми ё капитализмми, ё бошқа бир тузумми, меҳнаткаш халқ озодликка чиқолмайди. Эркин давлатда эркин фуқаролар яшагандагина тараққиёт ва яхши ҳаёт бўлиши мумкин. Ихтиёр менда бўлса, аввало барча фуқароларни уйғотар эдим.

**Мавлон ШОИИМ**
**Самарқанд райони**

●

«Ватан» тушунчаси билан «ижтимоий тузум» тушунчасини бир хилда тушунилишига ва тушунтирилишига чек қўярдим.

**Юнусжон РАҲИМ**
**Тўрақўрғон**

●

Жумҳуриятимиз фабрикаларида чиқариладиган кийим-бошларни тубдан миллийлаштирардим.

**Ҳабиба ТУРҒУНОВА**
**Бувайда**

●

Ҳамма ёмонларни яхшига айлантирардим.
Ота-онамнинг умрларини узайтирардим.

**С. УСМОН қизи**
**Вобкент**

●

Қўйинг! Ёлинг ўша рукнингизни! Саробдан ҳеч ким наф кўрмаган.

**Аҳмад МАТНАЗАРОВ**
**Элликқалъа**

●

Тошкент шаҳри ва вилоятида Киров, Оржоникидзе, Ленин, Фрунзе, Октябрь сингари районларни ўзбек элига хос номлар билан атардим.

**Қ. БОЛТАЕВ**
**Навоий**

●

Ҳаммасини қайтадан бошлар эдим. Биринчи бўлиб, ёш авлодни боболаримизнинг муқаддас маънавий қадриятлари руҳида тарбиялардим ва уларни ҳозирги замоннинг тараққиёт йўлига олиб чиқадиган илму ҳунарлардан тўла, ҳар томонлама хабардор қилар эдим.

**Муҳаммад Юсуф ҲАҚБЕРДИ**
**Хатирчи**

●

Ихтиёр менда бўлса, ёш болалар таъминотини бутунлай яхшилардим. Ҳозирги аҳволда, кунимиз 200 гр. шакарга қолганда, қандай қилиб соғлом болалар тарбиялаймиз. Бошим қотди. Хомхаёлга берилмай, жон куйдириб ҳаракат қилайлик.

**К. ДУСТЕРОВА**
**Қарши**

●

Эрталаб нонуштага ўтирдиму боғча ёшидаги невараларим қандсиз, шакарсиз чой ичаётганликларини кўриб, юрагим ачишиб кетди. Улар менга термулиб: дада, қанд йўқми? — деб таъна қилишаётгандай эди. Начора? Қишлоқчилик-да. Дўконимизда қанд у ёқда турсин, шакар ҳам топилмайди. Агар ихтиёр менда бўлса, кичкинтойларни ўкситмаслик учун дўконларга қанд-қурс, ширинликларни мўл қилиб чиқарардим. Қанд билан шакарни талонсиз савдога қўярдим.

**Турғун ЖЎРАЕВ**
**Тошкент тумани**

